

**MAQOLA TARIXI**

Qabul qilindi: 01 – Fevral 2022
Ma'qullandi: 05 - Fevral 2022
Chop etildi: 10 – Fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Миллий Марказ, ЮНЕСКО, фонд, рўйхат, жамғарма, ииғмажиллар.

Ўзбекистонда қисқа тарихий муддат ичидаги миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз барча ривожланган ҳуқуқий давлатлардаги каби уч ҳокимиятга, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини намойиш

ANNOTATSIYA

Мақолада Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг дастлабки йилларда фаолияти ва вазифалари ҳақида архив ҳужжжатлари асосида қисқача сўз юритилади.

қилиш, юртимиизда кечеётган улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бирламчи вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган принсип ва нормаларини қатъий ҳимоя қиласди ва фаол илгари суради¹.

¹Президент Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқидан, 22.02.2021 й.



Шунингдек, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак», «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», деган шиор нуфузли халқаро анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. БМТнинг Ёшлар хукуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни тайёрлаш, Бош Ассамблеяning «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган маҳсус резолюциянинг қабул қилиш бўйича таклифлари ҳам барчани диққат эътиборини тортди.

Халқ фаровонлиги йўлида кучли хукуқий далатдан фуқаролик жамияти сари илдам қадам қўйиш мақсадида эркин бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиёт барпо этилди. Шу тариқа, юртимизда халқаро хукуқнинг тўлақонли ва teng хукуқли субъектига айланди. Инсон хукуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирили воситасини барпо этиш, халқаро ташкилотлар ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва аҳолининг инсон хукуқлари бўйича маъданиятини ошириш мақсадида БМТнинг Инсон хукуқлари ва бошқарув тизимини демократиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ Ўзбекисто Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги «Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказини тузиш тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий Маркази тузилди. Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий

Маркази Низоми, тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 13 ноябр 1996 йил 399-сонли қарорига асосан тасдиқланган.

Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази Халқаро хукуқни инсон хукуқлари ва эркинликлари соҳасида умумэътироф этилган принциплари ва меъёларини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларини ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларининг, давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлатга қарашли тахлил, маслахат, идоралараро мувофиқлаштириш органи ҳисобланади. Бу ташкилотнинг ташкил этилиши ва фаолияти, вазифаларини ўрганиш бевосита Ўзбекистон Миллий Архивида сақланаётган архив ҳужжатлари билан ҳаққоний янги тарихини ёритиб бериш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Миллий Архиви М-125 Фондида сақланаётган «Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази» ҳужжатлари даврилиги 1997-2002 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бунда Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказнинг асосий фаолиятига оид ва шахсий таркиб бўйруқлари, марказ ходимлари штат жадвали, ходимлар сони ва таркиби ҳақидаги статистик ҳисботлар, Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси билан инсон хукуқлари бўйича ёзишмалари акс этган, жами 2 та руйхатдан иборат.



-Биринчи рўйхатда 1997-2000 йиллар бўлиб, хужжатлар раҳбарият, ҳисобхона бўлимларидан 20 та йиғма жилд тўпланган бўлиб, рўйхатга киритилган 6 та йиғмажиллар архив сақловига келиб тушмаган аммо 2018 йилда 2 та йиғмажиллар архив сақловига келтирилган.

-Иккинчи рўйхатда 2000-2002 йиллар хужжатларини ўз ичига олиб, булар 21 дан 156 гача йиғма жилд белгиланган, бу хужжатлардан архив сақловига 2002 йилгача келтирилган аммо йўл кўрсатигичда белгиланган 34-156 гача сақлов бирлиқдаги хужжатлар архив сақловига келиб тушмаган.

Мисол учун биринчи сақлов бирлигидаги хужжат-Инсон хуқуқлари бўйича ЎзРММарказнинг асосий иш фаолияти ва шахсий таркибга оид 1-102 сонли бўйруқ, иккинчи сақлов бирлигидаги хужжат марказнинг ҳисобхона йиллик бўйруқлари, тўртинчи сақлов бирлигидаги хужжат 1998-2000 йиллар Марказнинг штат жадвали, бешинчи сақлов бирлигидаги хужжатда Марказнинг ходимлар сони ва таркиби ҳақида йиллик статистик ҳисботлар, ўн иккинчи сақлов бирлигидаги хужжатда Марказнингнинг 1999 йил 8-январьдан 30- декабргача асосий иш фаолияти ва шахсий таркибига оид 1-101 сонли бўйруқлари кабилардир.

Умумий ҳисобда оладиган бўлсақ, Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси билан инсон хуқуқлари бўйича ёзишмалари ва бошқа давлат органлари билан бир қаторда чет

эл давлатлари билан Марказнинг қисман ҳамкорликлари ҳақидаги ёзишмалар архив сақловида мавжуд.

Ўзбекистон Миллий Архивида сақланаётган М-125 фонди орқали биз мустақиллигимизнинг дастлабки даврлариданоқ халқаро хаётда ва мамлакатимизда кечган ижтимоий сиёсий хаётда инсон хуқуқлар ва уларнинг химояланиши борасидаги илк олиб борилган ишлар ва марказ ташкил этилиш жараёни, марказнинг фаолияти, вазифалари ҳақида билим ва кўнинмаларни ҳаққоний фактлар орқали билиб олишимиз мумкин.

Марказнинг асосий вазифа ва функцияларига: фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасида инсон хуқуқларига риоя этилиши ва бу хуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва ривожлантириш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларда қатнашиш, давлат органларининг инсон хуқуқларига риоя этиш ва бу хуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасида фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш, инсон хуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида жамаотчилик ташабbusларни рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш, инсон хуқуқлари бўйича адабиётлар, телекўрстаувлар ва радиоэшлитиришлар, шунингдек «Ўзбекистон демократиялаш ва инсон хуқуқлари» даврий нашрини тайёрлаш ва бошқалар киради².

²ЎзРМА Фонд №125, рўйхат №1, иш №3, 11 бб.



Ўзбекистон Миллий Архиви М-125 фондида сақланаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази дастлабки фаолияти асосий фаолияти ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат бўлган:

-Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва хорижий миллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

-Инсон ҳуқуқлари тўғрисида ахборот тайёрлаш ва тарқатиш масаласи бўйича хорижий давлатларнинг ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси аккредитацияси килинган ва шу ердаги миссиялар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш;

-Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг тадбиқ этиш бўйича мувофиқлаштириш Кенгashi ва бошқа кенгашлар, эксперт комиссиялари ташкил этиш;

-Ўзбекистон Республикаси БМТдаги ваколатхонасидан ва бошқа халқаро ташкилотлардан инсон ҳуқуқлари бўйича масалаларнинг кўриб чиқишилиши ва қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги ахборотларни мажбурий тартибга олиш ҳуқуқига эга³.

М-125 фонд ҳужжатларидан 1998 йил штат жадвалига қарайдиган бўлсақ,

Марказ раҳбарияти

Инсон
ҳуқуқлари
бўйича халқаро
ҳамкорлик
бўлими

Жамоатчилик
билим
бўлими

Ахборот-ҳуқуқ бўлими

Инсон
ҳуқуқлари
бўйича таълим
бўлими

Котибият

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таҳлил ва тадқиқотлар бўлими

Таҳририят-
нашриёт
бўлими

Хисобхона

каби бўлимлар мавжуд бўлган⁴.

Марказга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан

³ ЎзРМА Фонд№125, руйхат№1,иш№3, 4-7 бб.

⁴ ЎзРМА Фонд№125, руйхат№1,иш№3,.4-7бб.



тайинланадиган ва озод этиладиган раҳбар ва унинг ўринбосари бошчилик қилган⁵.

Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси билан инсон ҳуқуқлари бўйича ёзишмалари ва бошқа давлат органлари билан бир қаторда чет эл давлатлари билан Марказнинг қисман ҳамкорликлари ҳақидаги ёзишмалари орқали 1997-2002 йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича олиб борилган ишларни кўриб чиқиш мумкин.

Архив сақловида мавжуд бўлган Марказнинг Вазирлар Маҳкамасига “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини бажарилиши юзасидан” 1999 йил берган ҳисоботида

-ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари Бюроси директори Ж.Штудман расмий ташриф билан қабул қилиниб, Ўзбекистон Ҳукумати ва ЕХХТ-ДИИХБ ўртасида Кўшма комюнике имзоланди, ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияга 2000 йил – Тинчлик маданияти йили давлат дастурига киритиш юзасидан таклифлар тайёрлангани, 1999 йил 19 февральда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида, Германиянинг Фридрих Эберт фонди билан ҳамкорликда “XXI аср бўсағасида Ўзбекистонда аёлнинг ижтимоий салоҳиятини очишга кўмаклашиш

имконияти” мавзусида симпозиум ўтказилгани ва бошқа жуда кўп масалалар юзасидан ҳисобот берилбўтилган⁶.

АҚШ элчиси Жозеф Перселга Ўзбекистоннинг юксак мукофати билан тақдирлангани муносабати билан табрик юборилгани⁷, Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги Бош директори Мурод Муҳаммад Дўстга Олий Мажлиснинг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари Қўмитаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) томонидан “Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг аҳамияти ва ҳозирги босқичдаги асосий йўналишлари” мавзуига бағишилаб ташкил қилинаётган давра сұхбати режалаштирилган⁸, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлигига Ҳалқаро ҳуқуқ муносабатлари ўн йиллиги муносабати билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази томонидан амалга оширилга ишлар хусусида Ахборотида Марказнинг фаолияти ҳақида маълумотларни кўриш мумкин⁹. Бу каби тарихий маълумотлар архив сақловида бўлиши илмий изланувчилар учун муҳим факт бўлиб ҳизмат қиласи.

Ўзбекистон 2000 йил БМТ котибияти томонидан алоҳида ажратиб кўрсатиладиган пакт ва конвенцияларнинг 19 тасини, айнан

⁵ ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қарорлар тўплами 1996 йил XI жилд 244б.

⁶ ЎзР МА, М125- фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 16-18 бб.

⁷ ЎзР МА, М125- фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 71 бб.

⁸ ЎзР МА, М125- фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 53 66.

⁹ ЎзР МА, М125- фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 45-48 бб



Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Умумжаҳон Декларициясини, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактларни, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактни ратификация қилди¹⁰.

Марказнинг халқаро ҳамкорлигига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз, хусусан БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастири, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар Координатори, Халқаро меҳнат ташкилоти, Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегацияси, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Хорижий мамлакатларнинг мамлакатимиздаги элчиҳоналари, қатор халқаро жамғармаларнинг ваколатҳоналари билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Халқаро шериклар билан ҳамкорликда республикамида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини яънада мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга йўналтирилган турли лойиҳалар амалга оширилади.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари устунлиги конституциявий асосда эътироф этилади. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70дан зиёд халқаро хужжатлар, хусусан, БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган 10 та мажбурий халқаро шартномаларни ратификация қилиб, ўзининг халқаро мажбуриятларини мунтазам равишда бажариб келмоқда.

¹⁰ ЎЗР МА, М125- фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 70 66

¹¹ А. САЙДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори. «Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бош мақсадимиз» (НАА «Туркистон-пресс» - 2014й)

Марказ БМТ маҳсус бўлинма ва ташкилотлари, Европа Хавфсизлик ва ҳмакорлик ташкилоти Демократик муассасалари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, АҚШ, Англия, Франция, Италия, Ҳиндистон каби давлатларнинг элчиҳоналари, Америка юритслари ассоциация, К.Аденауер фонди, Сорос фонди, Ф.Эберти фонди ва ш.к. жамғармалари билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади. БМТ Тараққиёт дастири (ПРООН) билан бирга таъсис этилган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-оммабоп жур.ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп эътилади. Марказ ҳузурида инсон ҳуқуқлари бўйича оммавий кутубхона ташкил этилган¹¹.

Марказнинг Ахборот-ҳуқуқ бўлими ҳузурида Марказий Осиёда ягона ихтинослаштирилган Инсон ҳуқуқлари бўйича оммавий кутубхона фаолият юритди. Мазкур кутубхона ўзбек ва хорижий тилларда нашр этилган китоблар, журналлар ва бошқа адабиётлардан иборат бўлиб, 5 мингдан зиёд номдаги инсон ҳуқуқларига доир китоб фондига эга. Марказ томонидан инсон ҳуқуқлар бўйича 150 дан зиёд тўпламлар, китоблар ва бошқа адабиётлар давлат тилида кўп минг ададда чоп этилди¹².

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлардан Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

¹² А. САЙДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори. «Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бош мақсадимиз» (НАА «Туркистон-пресс» - 2014й)



(Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти ҳамда Миллий марказнинг зиммасидаги вазифалар тўлақонли бажариш йўлида хизмат қилмоқда.

Жамиятимизда мавжуд миллий институлар ичida Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг ўрни бекиёсdir.

Холоса ўрнида таъкидлаш доизки, мустақилликнинг дастлабки даврларида инсон ҳуқуқлари ва ҳалқаро соҳада марказнинг олиб борган фаолияти орқали Мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида ўз сиёсатин олиб борганлигини архив

хужжатлари яққол далилдир. Ўзбекистон Миллий Архивида сақланаётган М-125 фонди орқали биз мустақилликимизнинг дастлабки даврлариданоқ ҳалқаро хаётда ва мамлакатимизда кечган ижтимоий сиёсий хаётда инсон ҳуқуқлар ва уларнинг химояланиши борасидаги илк олиб борилган ишлар ва марказ ташкил этилиш жараёни, марказнинг фаолияти, вазифалари ҳақида билим ва кўникмаларни ҳаққоний архив маълумотларида мавжуд. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳалқаро мажбуриятларига қаътий содик қолган, Инсон қадри баланд ва эркинликка эга давлатдир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқидан, 22.02.2021 й.
1. 2.А.Сайдов. Адабиёт ва ҳуқуқ. Т., 2021 й.
2. А. Сайдов., Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори. (Халқ сўзи, 11 ноябрь 2011 йил).
3. А. САИДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори. «Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бош мақсадимиз» (НАА «Туркистон-пресс» - 2014 й).
4. 5.ЎзМА Фонд№125-М., руйхат№1, иш№3
5. 6.ЎзМА Фонд№125-М., руйхат№1, иш№19., 16-18, 45-48, 53 варақ
6. ЎзМА Фонд№125- фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 20, 52,53-58,70-варақ
7. 8.<http://uza./oz/politics/uzbekiston-respubliksi-prezidenti-shavkat-mirziyevning> olyi-
25.012020. (27.06.2020).
8. 10.www.google.uz. - (қидирув тизими)
9. 11.www.lex.uz. - Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси